Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 23 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 246 (13.309)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида 2016 йил 22 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси раҳбари Йохан Петер Трауготт Тейлер билан учрашув бўлиб ўтди.

Сайлов – 2016

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Миссия экспертлари мамлакатимизда электрон ҳуку-

Кузатувчиларга мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ахборот технологияларини жорий этиш, электрон ҳукумат тизимини тараққий эттириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди.

Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантириш, уни давлат ва жамият ҳаётига самарали татбиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётни тараққий эттиришнинг муҳим омили ҳисобланган электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди.

ЎзА

ЁШЛАР ЁРҚИН КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро Президент сайловида қатнашади.

Ёшларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

"Менинг овозим – Ватаним келажаги" акцияси навқирон авлоднинг сайловга мустақил ва онгли муносабатини шакллантиришга хизмат қилаётир. Акция доирасида ўтказилаётган "Келажагим учун овоз бераман", "Мен биринчи марта овоз бераман", "Менинг овозим аҳамиятга эга", "Сайлаш – менинг ҳуқуқим", "Мен сайловда фаол иштирок этаман!", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз", "Мен сайловга тайёрман!" мавзуларидаги тарғибот тадбирлари ёшлар, айниқса, биринчи марта сайловда қатнашадиган фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга ҳисса қўшаётир.

Ҳаракатнинг расмий (www.kamolot.uz) сайти ҳамда ижтимоий тармоқларда "Ватан келажаги сенинг қўлингда!" шиори остидаги расмлар танлови эълон қилиниб, иштирокчиларнинг 150 га яқин фотоасари жойлаштирилди. Галереядан сайлов жараёнларини тарғиб этишга доир ижодий ишлар ўрин олган.

Экспертлар, ёш депутатлар ва фаол ёшлар иштирокидаги онлайн учрашувлар ёшларнинг сайлов ва партиялар фаолияти ҳақидаги билимини янада оширишда, уларни Конституция ҳамда сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиришлар билан таништиришда, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар ижод саройида ташкил этилган онлайн мулоқотда ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан интернет тармоқлари орқали келиб тушган 200 дан ортиқ саволга мутахассис ва экспертлар томонидан жавоб берилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳар бир фуқаро фаоллик ва масъулият билан иштирок этиши, бу жараёнда ёшлар ўз фикри, мустақил фуқаролик позициясига эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

– 18 ёшдаман, – дейди Тошкент 2-юридик коллежи ўқувчиси Лобар Абдуқодирова. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар", дейилган. Демак, мен сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, илк бор ўз хоҳиш-иродамни эркин билдирган тарзда ўзим танлаган номзодга овоз бераман.

Билим ва тафаккури кенг, қатъиятли ва шижоатли Ўзбекистон ёшлари Президент сайловида фаол иштирок этади, ўзи ва Ватанимизнинг ёрқин келажаги учун овоз беради.

Моҳигул ҚОСИМОВА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



"ОНА ЮРТ ОҲАНГЛАРИ" ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Она юрт оҳанглари" II халқаро мусиқа танлови якунланди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида мазкур танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Д.Кенжаев ва бошқалар мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган навқирон авлодни болаликдан мусиқага ошно этиш, уларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш, юртимиз ва жаҳон санъатининг энг юксак намуналаридан баҳраманд этишга оид эзгу саъй-ҳаракатлар юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ҳар йили кўплаб болалар мусиқа ва санъат мактаблари қад ростламоқда. Мавжудлари мукаммал реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланмоқда. Мусиқа таълимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар санъат мактабларини зарур ускуна ва жиҳозлар, чолғу анжомлари, ўқув адабиётлари, нота тўпламлари, методик қўлланмалар, мультимедиа дарсликлари билан таъминлаш имконини бермоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини кашф этиш, мусиқа ва санъатга қизиқишини янада кучайтиришга қаратилган танловлар, фестивал-лар ўтказилмоқда. 2014 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Она юрт оҳанглари" халқаро мусиқа танлови мусиқа таълимини равнақ топтиришга доир амалий чора-тадбирлар натижасини таҳлил этиш, ёш мусиқачилар ўз маҳоратини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратишдек мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида юртимиз ҳамда хорижий давлатларнинг ёш мусиқачилари кичик гуруҳ – 12-15 ёшли ҳамда катта гуруҳ – 16-19 ёшли иштирокчилар таснифида ижодий танловда иштирок этди. Ижодий лойиҳа давомида қатнашчилар дамли, урма торли, мизробли, чертма торли, камонли, урма зарбли чолғуларда юртимиз ва хорижий давлатлар композиторлари асарларини ижро этди. Иштирокчилар ижросини баҳолашда ижодий маҳорат, мусиқада акс этган фалсафа ва ғояни тингловчига етказа олиш, саҳна маданияти каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

– Ушбу танлов жараёнида турли мамлакатлардаги тенгдошларимизнинг ижоди, ижро маҳоратидан баҳраманд бўлдик, – дейди В.Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Сўғдиёна Холбоева. – Биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик нечоғлик юксак эканидан қалбимиз фахрга тўлди.

– Дунёда болалар мусиқа санъатига оид кўплаб танлов ва фестиваллар ўтади. Бироқ "Она юрт оҳанглари" танлови мусиқа воситасида ёшларда ўзи туғилиб ўсган юртга муҳаббат, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришдек эзгу мақсадга йўналтирилгани билан ягона ва шуниси билан ғоят аҳамиятлидир, – дейди россиялик мусиқашунос, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Вячеслав Круглов. – Ижодий беллашув давомида Ўзбекистон ёшларининг истеъдодли, билимга чанқоқ, мусиқа санъатига меҳри баланд эканининг гувоҳи бўлдик.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Ёш мусиқачилар ижросида концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

КОНСТИТУЦИЯ – ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан турли жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари ва олий таълим даргоҳларида маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди. "Конституция – маънавият ва маърифат қомуси" мавзуида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунослар, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Х.Умаров ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни мустақил фикрли, баркамол шахс этиб вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар навқирон авлоднинг таълим-тарбия олиши, жамиятда муносиб ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, Конституциямиз, унда белгиланган инсон ҳуқуқлари, шахс ва жамият манфаатларига оид нормаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Тадбирда мутахассислар талабаларга Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, Бош қомусимизнинг сайловга оид боби ҳақида батафсил маълумот берди. Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиб, муносиб номзодга овоз бериш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи ва бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Юртимизда ҳар бир шахс ўзи хоҳлаган касбни танлаши, ўзи истаган таълим даргоҳида таълим олиши мумкинлиги Асосий қонунимизда кафолатланган, – дейди университет талабаси Жамшид Ҳошимов. – Шунингдек, Конституциямизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Биз, ёшлар сайлаш ҳуқуқимиздан фойдаланиб, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз.

"Конституция – ҳуқуқий демократик давлат асоси", "Конституция ва маънавият", "Қомусимизнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни", "Эзгуликка йўғрилган қомус" каби мавзуларда маърузалар тингланиб, талаба-ёшларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Г.САТТОРОВА

4 декабрь – сайлов куни

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувдаги нутқи чоп этилмоқда. Мазкур нутқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

(2-3-саҳифаларга қаранг)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон сайлов округида участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессор-ўқитувчилари, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари иштирок этди.

● Гулистон шаҳрида ўтказилган ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Сирдарё вилояти босқичида 30 дан зиёд ёш ижрочи ўзаро баҳслашди. Тадбирда мамлакатимизда истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди.

● Навоийда Сармишсой табиий ва маданий мерос мажмуасини бошқариш ҳамда муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ва халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Европа ва Осиё минтақасидаги энг баланд вулқон ҳисобланган Камчаткадаги "Ключевская сопка" "уйғонди" ва куллар устунини олти километр баландликка ота бошлади. Маълумотларга кўра, кулнинг аҳоли турар жойларига тушиши кузатилмаган.

● Японияниng Panasonic компанияси томонидан полиглот-мегафон ихтиро қилинди. Ушбу мегафонда нотиқнинг нутқини тўртта тилга таржима қилиш имконияти мавжуд. Компания 2017 йилда шундай мегафонлардан 10 мингтасини сотишни режалаштирмоқда.

● Кучли оқим натижасида океанда Австралия қирғоқларидан узоқлашиб кетган 68 ёшли дайвер Лес Брайерли акулалар билан тўла сувда 17 соат қолиб кетди ва фақат мўъжиза рўй бериб омон-эсон қолди. Гап шундаки, ўз қайиғидан акваланг билан сув тубига шўнғиган дайвер океанда бутун оқшом ва тунни ўтказишга мажбур бўлди. Уни фақат эрталаб қутқариб олишди.

4 декабрь – сайлов куни

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ – БИЗНИНГ БОШ ВАЗИФАМИЗ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД САРВАР ОТАМУРАТОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Ватанимизнинг пойтахти – Тошкент шаҳрида сиз азиз сайловчилар билан юзма-юз учрашиб турганимдан ғоятда хурсандман.

Қадимий ва бой тарихга эга Тошкент мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти сифатида бутун дунёда ном қозонган. Юртимиз мустақиллиги эълон қилинган, янги ўзбек давлатининг Конституцияси қабул қилинган ва истиқлолимизнинг тамал тоши қўйилган бу азим ва муқаддас шаҳар барча ўзбекистонликларнинг ўз она шаҳрига айланди. Бу мўътабар шаҳарда Ўзбекистоннинг юраги уриб турибди, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Пойтахт қиёфаси миллат қиёфаси экан – истиқлол йилларида ўзбек халқининг буюк яратувчилик қудрати, ақл-заковати, шону шавкати Тошкент қиёфасида акс этди. Бу азим шаҳар нафақат Марказий Осиё, балки дунёнинг энг улкан ва гўзал шаҳарлари билан ҳар соҳада беллаша оладиган мўътабар маконга айланди.

Тошкент мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан биридир. Бу ерда "Кока кола ичимлиги Ўзбекистон Ltd", "Мармакс", "Дойче кабель АГ Ташкент", "Тошкент лак-бўёқ заводи", "Ўзкабель", "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи", "Фарм Гласс", "Тошкент ёг-мой комбинати", "Зенит электроникс", "Тошкент қувурлар заводи", "Кўкча Текстиль" сингари нафақат ички бозорда, шу билан бирга рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорларига чиққан корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон пойтахтида иккита темир йўл вокзали, Халқаро ва маҳаллий аэропорт, автовокзал, бешта автостанция мавжуд. Ўрта Осиёда энг катта бўлган Тошкент аэропорти муҳим халқаро аҳамиятга эга. Тошкент метрополитени учта: "Чилонзор", "Ўзбекистон", "Юнусобод" йўналишларига эга.

Тошкент чин маънодаги илм-маърифат шаҳридир. Шаҳарда 39 та олий ўқув юрти фаолият олиб боради. Пойтахтдаги 40 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси ва уч минтақавий бўлимни бирлаштирган Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тиббиёт, Банк-молия, Солиқ академиялари, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент Ислом университети ва бошқа кўплаб олий таълим даргоҳларида юзлаб олимлар илмий фаолият олиб бормоқдалар ва минглаб талабалар таълим олишмоқда. Мустақиллик йилларида шаҳарда М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ва И.М.Губкин номидаги Россия Давлат Нефть ва газ университетининг филиаллари, Халқаро Вестминстер университети ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти очилди. Шунингдек, 78 та касб-ҳунар коллежлари, 41 та академик лицей, 311 та умумий таълим мактаблари ва 523 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд.

Ўз сайловолди Дастуримизда тарихий ва меъморий мерос объектларини асраб-авайлашни асосий мақсадларимиздан бири сифатида илгари сурганмиз. Пойтахтимизда ҳам тарихий ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлашга катта эътибор берилмоқда. Мустақиллик йилларида Кўкалдош мадрасаси, Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аъламбардор, Юнусхон, Шайх Ховандн Тоҳур мақбаралари ва Шайх Абулқосим мадрасаси ва бошқа кўплаб тарихий ёдгорликлар ўзининг асл қиёфасига қайтди.

Биз ўз сайловолди Дастуримизда театрларни ҳақиқий маънавият масканларига айлантириш ва мамлакатимиз театрларида "Очиқ эшиклар куни"ни ташкил этишни белгиламоқдамиз. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, Ўзбек Миллий академик драма театри, рус Академик драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, Ўзбекистон Давлат Ёш томошабинлар театри каби театр жамоалари бу борада ибрат ва намуна кўрсатишлари лозим.

Хурматли сайловчилар. Пойтахтимизнинг энг муҳташам саройларидан бири бўлган – "Туркистон"да ўз сайловолди Дастурим билан таништиришга муяссар бўлганлигим Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча аъзолари зиммасига улкан масъулият юклашини юракдан ҳис этиб ва сизларга ўзимни самимий миннатдорчилигимни билдириб, **энди бевосита сайловолди Дастуримнинг асосий йўналишларини баён этмоқчиман.**

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Фуқаролик жамияти институтларининг таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар барпо этилди.

Халқаро миқёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Барчамизга маълумки, партиямизнинг мақсади – миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимиз фаровонлигининг ошиши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш мақсадини илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборат.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишни Сайловолди дастурига киритмоқдамиз.

Жамоатчилик ва партиямиз электоратига яхши маълумки, партиямиз **маънавий-маърифий соҳани** ўзининг дастурий мақсад-вазифалари ичида етакчи ўринга қўйган. Чунки, ўзлигини англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ - иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутади.

Мамлакатимизда бу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз доимо миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва бундан буён ҳам ушбу ҳаётий масалалар диққат-марказимизда бўлади. **Миллий тикланиш – аввалambor миллий ўзликни англаш демакдир**. Ушбу ғоядан келиб чиқиб, биз қуйидагиларни қўллаб-қувватлаймиз.

Халқимизнинг бетакрор ва улуғвор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш тарафдоримиз. **Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси – бизнинг бош вазифамиздир**.

"**Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ**" тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашамиз.

Ўзбекистонда умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган жуда кўплаб тарихий-маданий ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Музейлар, архивлар ва кутубхоналарда жуда қимматли қўлёзмалар, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бундай улуғвор тарихий меросни асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш бўйича муайян ишлар қилинган бўлса-да, ўрганишлар шуни кўрсатдики – ҳали бир қатор маданий мерос объектларимиз ҳисобга олинмаган, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари тўлиқ тоифалаштирилмаган.

Ана шулардан келиб чиқиб – маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш талаб этилади, музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарур.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ва маданий ёдгорликлари умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигини эътироф этиб, шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга кўмаклашиш ва бугунги кунгача уларнинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритмаганларини рўйхатга киритишда фаоллик кўрсатиш – асосий вазифамиздир.

Бу ва соҳадаги бошқа масалаларни ҳал этиш учун Моддий маданият меросини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, асрлар давомида буюк алломаларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий дурдоналар тарих тақозоси билан чет мамлакатларда қолиб кетган ёки олиб чиқиб кетилган. Биз мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган ўзбек алломалари, мутафаккирлари ва ёзувчи-шоирлари томонидан яратилган илмий ва бадиий асарлар ҳамда халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда фаоллик кўрсатамиз.

Юртимизда азалдан ҳунармандчиликнинг барча турлари ривож топган. Устоз-шогирд анъанаси асосида давом этиб келаётган ва ўзбек халқининг юксак маданияти ва эстетик истеъдодини намойиш этадиган ҳамда қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш доимий диққат марказимизда бўлади.

"**Баркамол авлод – миллат таянчи**" тамойили остида биз ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтиришимиз лозим. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифамиздир.

Тил миллатнинг энг олий қадриятидир. Шундан келиб чиқиб, қадимий ва бой тарихга эга бўлган, мустақиллик туфайли қадр-қиммати тикланган, ҳозирда кечаётган глобаллашув даврида замонавий тараққиётнинг барча соҳалари талабларига жавоб берадиган даражада имкониятга эга бўлган тилимиз ривожини янги босқичга кўтариш учун давлат тилини бойитиш, янада такомиллаштиришга, давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва унинг тўла амал қилишига эришиш, тил маданиятини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишни етакчи вазифалардан бири сифатида кўрмоқдамиз.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни ўринли деб биламан. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда, яъни 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Орадан 23 йил ўтган бўлсада, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳаётимизда узил-кесил ўз ўрнини топгани йўқ. Ушбу масалада саволлар ниҳоятда кўп. Биз фарзандларимизни лотин алифбоси асосида ўқитдик ва ўқитиб келаяпмиз. Лекин, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини зарур даражада қондириш учун фаннинг барча соҳалари, таълим, адабиёт ва матбуотда лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар етарли даражада нашр қилиняптими? Катта авлоднинг кўпгина қисми лотин алифбосини ўзлаштирмаган. Бу масалада авлодлар ўртасида қандайдир узилиш сезилмоқда. Мазкур муаммони биз жамоатчилигимиз билан бирга узил-кесил ҳал қилишимиз керак.

Ижтимоий ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида давлат тилининг қўлланилиши ва унинг қоидаларига риоя этилишида муаммолар бор. Хусусан, оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ҳали-ҳамон ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари қўпол бузилмоқда. Ушбу муаммо газета ва журналларда, Халқ депутатлари кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда муҳокама қилинган бўлсада, лекин сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқишни соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда, сизларнинг эътиборларингизни яна бир муаммога қаратмоқчиман. Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарларининг яратилишида ташаббус кўрсатишимиз керак. Бу ишларни молиялаштириш, шу жумладан хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда, таниқли режиссер ва актёрлар иштирокида, уни бутун дунё жамоатчилигига етказишни муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингизни жуда муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Тарихда хорижий мамлакатларда яшаб ижод этган ҳамда юртимизда туғилиб, тақдир тақозоси билан чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг қабрларини аниқлаш, уларнинг мангу қўним топган масканларини ободонлаштириш ишларини давлат миқёсида амалга ошириш вақти келди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлодимизнинг дунёқарашини шакллантиришдаги ўта муҳим имкониятларидан фойдаланиб уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий манфаатларимизга зид бўлган ғоя ва мафкураларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда тайёрланадиган фундаментал асарларни босмадан чиқаришни ва уларнинг оммавийлашувини қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чора-тадбирларни белгилаймиз.

Жамият, оила ва таълим тизимида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар берилишига эришмоғимиз лозим.

Театр инсоннинг маънавий камолоти, шахснинг диди ва тафаккурини тарбиялашда ҳамиша муҳим ўрин тутган. XX аср бошида ўзбек зиёлилари халқнинг миллий уйғонишини айнан театрлар ташкил этишдан бошлаганликлари ҳам бежиз эмас. Ўша даврда "Театр – ибратхонадир" деган чуқур маъноли ҳикмат орқали саҳна санъати миллатимизнинг аслида киму, ҳозир қай аҳволдалигини кўрсатиб берган.

Бугунги кунда глобаллашув шароитида халқнинг ўзига хос қиёфаси, миллий қадрият ва анъаналарини асраб қолиш, одамларда юксак маънавий онг ва дидини тарбиялашда яна театрларнинг ўрни беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бироқ, театр санъатига қизиқиш ҳавас қиларли даражада эмас. Театр заллари кўпинча томошабинлар билан ярим тўлган ҳолатда бўлади.

Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдори эканмиз, театрга одамларни қайтариш учун энг аввало замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган спектаклларни кўпайтириш, одамларда, айниқса ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш ва энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида "Очиқ эшиклар куни"нинг ташкил этилишига эришишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида **ижтимоий-сиёсий** масалалар муҳим ўрин тутади. Шу боис биз бу борада мавжуд давлат ва сиёсий тизимни янада мустаҳкамлаш, миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини устуворлигини таъминлашни асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгиламоқдамиз. **Бизнинг бош мақсадимиз – замонавий ривожланган демократик давлат қуришдир.**

Жамиятда ҳукм сураётган ва халқимизга хос бағрикенглик, миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашни истиқлол йилларида вужудга келган қадриятларимиздан бири сифатида эътироф этамиз ва уни янада барқарор ривожлантирамиз.

Шу билан бирга, асрлар давомида ўзбек халқининг эзгу ва илғор анъаналари асосида тарихан қарор топган маҳаллани миллий демократик институт сифатида янада такомиллаштириш керак. Унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этиш ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда ролини кучайтиришни давом эттирамиз.

Барчамизга маълумки, истиқлол йилларида **суд-ҳуқуқ соҳасини** тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш борасидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

– жамиятда мустаҳкам барқарорлик ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини ўзлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

– миллий қадрият ва халқимизга хос фазилат ҳамда мерос, анъаналардан келиб чиқиб оила, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш фуқароларимиз манфаатларига жавоб беради. Шунингдек, юқоридаги масалаларда ва фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Азиз дўстлар.

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг ошишида иқтисодиёт ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. **Иқтисодиёт соҳасида** партиямиз – **"Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши – иқтисодий ислоҳотларнинг негизидир"**, деган шиорни илгари сурмоқда. Ушбу соҳада эса қуйидаги вазифаларни амалга оширамиз.

Иқтисодиётга XXI аср талаблари ва тафаккури асосида ёндошувни амалга ошириб, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини изчиллик билан такомиллаштиришга эришишни мақсад қилдик.

Дунё бозорида рақобатбардош ҳамда миллий иқтисодиётимиз тимсолига айланадиган трансмиллий компанияларни шакллантириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш ва хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг жорий этилишига эришишимиз керак.

(Давоми 3-бетда)

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ – БИЗНИНГ БОШ ВАЗИФАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД САРВАР ОТАМУРАТОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 2-бетда)

Бу ерда яна битта муҳим масалага тўхталмоқчиман. Кўпчилик яхши биладики Ўзбекистон фақатгина тўғридан-тўғри дунё денгизларига чиқа олмасдан, шу билан бирга тўғридан-тўғри денгизга чиқадиган давлат билан ҳам чегарадош эмас. Дунёда ана шундай мураккаб географик ўринда жойлашган икки мамлакатдан бири Ўзбекистондир. Яна бир нарсани яхши биламизки, дунёда энг арзон йўл – бу денгиз йўлидир.

Бундан ташқари Ўзбекистонда транспорт хизматларининг нархи юқори. Тадқиқотларга қараганда бугунги кунда 20 т. маҳсулотни 500 км. масофага автомобилда ташиш таннархи Ўзбекистонда 1 км. учун 1,75 долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун айтиш жоизки, қўшни давлатларда бу кўрсаткич 0,7 доллардан 1,3 долларгача миқдорни ташкил қилади.

Юқорида айтиб ўтилган масалалар билан бир қаторда логистика инфратузилмасининг суст ривожлангани, миллий маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишда талаб этиладиган ҳужжатларнинг кўплиги, уларни кўриб чиқиш муддатларининг узоқлиги ва қимматлиги муаммоси ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда ва ташқи бозорда маҳсулотларимиз таннархининг сунъий ошишига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, биз транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланувчи компанияларга имтиёзлар бериш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, божхона хизматлари нархини камайтириш ва чегарадан ўтиш тартибини соддалаштириш юзасидан иш олиб борамиз.

Миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришни долзарб вазифамиз, деб биламиз.

Биз, халқимизнинг ва айниқса ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва иччам тўқимачилик корхоналари сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаймиз.

Давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Соҳадаги яна бир муҳим масала – миллий иқтисодиёт ривожи етук мутахассис-кадрларга боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, замонавий билим ва малакага эга муҳандис-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ниҳоятда зарур.

Маълумки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳиятни ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, қўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айни пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб оладиган Комплекс чора-тадбирлар режасини амалга оширишни таклиф этамиз:

– сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш;

– хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш;

– алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш.

Бугун бутун дунёда одамларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган масалалар ичида ижтимоий масалалар алоҳида ўринда турибди. Шу боис биз аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини оширишни **ижтимоий соҳадаги** стратегик мақсадимиз сифатида белгиладик. Шундан келиб чиқиб, асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Ҳаммамиз яхши биламизки, бугун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш, энг асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида ўсмирларга соғлиқ учун зарарли бўлган қувват берувчи ичимликларни сотишни таъқиқлаш ва бу борада маърифий-тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйиш лозим. **“Халқи соғлом ва баркамол бўлган мамлакат кучлидир!”** – тамойилининг амал қилишини изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Шу ўринда ҳаётимизда мавжуд яна бир муаммога эътибор қаратишни истайман. У ҳам бўлса – айрим ҳолларда бўлсада вояга етмаганлар ўртасида турмуш қуриш ҳолатларининг ҳали-ҳамон учраб турганлигидир. Эрта турмуш ва эрта туғруқларнинг олдини олиш борасида аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолида эрта никоҳга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантиришимиз лозим.

Оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштирамиз. Зеро, **буюк аждодларга баркамол авлод муносиб**!

Қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган сиёсатнинг изчил давом этишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Эътиборингизни ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ва барчамизга яхши таниш бўлган бир муаммога қаратмоқчиман, янада очиқроқ айтганда бу масала кўпроқ шаҳар аҳолиси турмушига дахлдор. Кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидаларининг бузилиш ҳолатлари одатий тус олмоқда. Одамларнинг моддий фаровонлиги ошгани сайин уй-жойини замонавий андозалар асосида таъмирлаш, кенгайтиришга берилиб кетади. Хавфсизлик масаласига эса эътибор бермайди. Уйни ушлаб турган устунларни бузиб бўлсада хонадонини кенгайтирмоқчи бўлади. Кўп қаватли уйда мендан ҳам бошқа одамлар бор, бу уй менинг хусусий мулким эмас, деган нарсалар хаёлига ҳам келмайди.

Бундай муаммонинг келиб чиқишига сабаб, уй-жой соҳасидаги қонунчиликнинг риоя қилиниши устидан назорат қилиш тартиби ва конкрет механизми бугунги кун талабларига жавоб бермаслигидадир.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун республикамизнинг барча бурчакларида, айниқса кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилишининг олдини олиш, шаҳарларимизнинг архитектура қиёфасини янада яхшилаш мақсадида уй-жой соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарур.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратиб, шуни айтиш лозимки болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС) дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш биз учун муҳим вазифадир. Шу билан бирга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

XXI аср – ахборот асри сифатида майдонга чиққанлигини ҳисобга олиб **Ахборот соҳасида** миллий манфаатларимиз ва халқимиз маданияти ва маънавиятнинг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш ўта муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур вазифани амалга ошириш учун қуйидаги масалалар долзарб аҳамиятга эга.

Миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишни бугуннинг энг долзарб вазифаси, деб ҳисоблаймиз. Ривожланган миллий ахборот макони – мустаҳкам тараққиёт пойдевори эканлигини ҳисобга олиб, унинг изчиллик билан такомиллашувига эришиш лозим.

Ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишга барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз. Бундан ташқари, ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатдан таъминлашни янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Муҳтарам юртдошлар.

Яқинда олимпиадачиларимиз ва паралимпиячиларимиз эришган оламшумул ғалабалар бутун халқимиз ва миллатимизнинг ғурурини осмон баробар кўтариб, фуқароларимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Дарҳақиқат, **“Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди”** тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда спортнинг миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш етакчи вазифамиздир.

Бунда, энг аввало жаҳон миқёсида ўзбек спортчилари эришаётган оламшумул ютуқларнинг халқ ва миллат ғурурининг ўсишига хизмат қилиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда одамларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи хусусиятини тизимли равишда кенг тарғиб қилиш ҳамда Ватанимиз ифтихорлари бўлган спортчиларнинг ҳаёт йўли ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга ҳужжатли ва бадиий фильмлар, илмий-оммабоп асарлар яратишни янада кучайтиришимиз керак.

“Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт қудратли бўлур” шиори остида мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш даркор.

Биз миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ва бугун дунёнинг 130 га яқин мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилганлигини ҳисобга олиб ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадида халқаро Кураш федерацияси, Халқаро ва миллий Олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлашни бу борадаги энг асосий вазифамиз деб биламиз. Биз ўзбек курашини Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этиб, бу улуғвор мақсад учун охиригача курашамиз.

Дастурнинг пировардида ташқи сиёсат борасидаги вазифаларига эътиборингизни қаратмоқчиман. **Ташқи сиёсат соҳасида** биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслигини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларнинг қатъий ҳимоя қилинишининг таъминланишига эришишимиз шарт. Бизнинг шиоримиз – **миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун**.

Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имиджини ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Фуқароларимиз ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳорижий давлатларда ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим вазифамизга айланмоғи керак.

Инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли “Буюк Ипак йўли” брендини илгари сурамиз.

Азиз дўстлар!

Бизнинг асосий ғоямиз – Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига бор куч-қудратимизни бағишлаш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Биз учун ягона ва устувор мақсад – бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Сўзимнинг якунида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона хизмат қилаётган Тошкент шаҳри аҳлига ўзимнинг энг эзгу ниятларимни билдириб, юртимиз доимо тинч ва осойишта бўлиб, халқимизнинг фаровонлиги янада ошиб, бахт-иқбол барчаларингизга ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.







Ислом Исмоилов олган суратлар

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Оилавий муҳитни барқарорлаштириш" мавзуида ажримларнинг олдини олишга бағишланган тадбир ўтказилди.

Чилонзор тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан туман ФҲДЁ, туман прокуратураси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир "Соғлом она ва бола йили"га бағишлаб ўтказилди.

Унда тумандаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, руҳшунослар, ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Абдураҳимова ва бошқалар юртимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилаётган юксак эътибор давлатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди.

Оила, оналик ва ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, соғлиғини ҳимоялаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, айниқса миллат келажаги бўлмиш қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида жуда кўплаб ижтимоий лойиҳалар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

— Ватанимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди "Наврўз" никоҳ уйи 1-тоифали инспектори Малоҳат Облоқулова. — Болалар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг шахс бўлиб шаклланишида миллий урф-одат ва қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш биз, ота-оналарнинг бурчидир. "Наврўз" никоҳ уйи қошида йигит-қизлар ўртасида оила саводхонлиги тарғиботини юксалтириш, уларнинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий-маданий, репродуктив саломатлигини яхшилаш, шаърий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила қуришдаги ва унинг мустаҳкамлигини таъминлашдаги муаммолар ечимини топишга ўргатишни мақсад қилган ҳолда "Ёш оила қурувчилар" мактаби 2009 йилдан буён фаолият юритмоқда. Машғулотларга никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат этган ёшларнинг барчаси жалб этилмоқда. Ушбу машғулотларда тингловчилар ўртасида миллий ғоя, халқимизнинг миллий урф-одатлари ва анъаналарини, оиланинг муқаддас қўрғон, муҳаббат қасри эканлиги тушунтириб ўтилади. Шунингдек, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ва уларнинг салбий оқибатлари, қонуний никоҳларнинг шаърий никоҳдан афзаллиги, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, никоҳ шартномаси ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Тадбир давомида ёшлар "Конституциямизда оилага берилган эътибор", "Қизларнинг ҳаё ва ибоси", "Одам савдоси – давр вабоси", "Ажримларнинг олдини олиш" каби мавзуларда маърузалар тинглашди.

Зиёда РАСУЛОВА

"101"

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзидан мудҳиш излар қолдириши барчага маълум.

Айни шу "тилсиз ёв" ҳужуми сабабли йилига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кўпчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодиётга ҳам жиддий путур етказади.

Мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда мана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари фаол ҳаракат қилиб келаётир. Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш мақсадида маҳалла фаоллари билан текширувлар ўтказилиб, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўраётирмиз.

Ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатлар кўп учрайдиган куз-қиш мавсумида барча ҳамшаҳарларимизни эҳтиёткорликка чақириб қоламиз.

Д.ҲУСАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ кичик инспектори, сафдор

* * *

Одамзод яралибдики, олов унинг доимий ҳамроҳи бўлиб келади. Ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳам совуқдан сақланиш ва овқат пиширишу учун оловдан фойдаланиб келинган. Уларга доимо тўғри амал қилинсагина ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда ва чиройли кечади.

Кундалик турмушимизда ўзи оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлар ҳам борки улар бизни доимо огоҳ бўлишимизга чорлайди. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади. Агар биз бепарволикдан халос бўлсак, "тилсиз ёв" аталмиш балоқазонинг ҳамласидан узоқ бўламиз.

У. АҲМЕДОВ,
ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

* * *

Биз ёнғинларга табиий офат деб қарайдиган бўлсак, катта хато қилган бўламиз. Чунки, қаерда ва қандай шароитда содир бўлишидан қатъий назар, ҳар бир ёнғин инсонларнинг хатоликлари, аниқроғи, корхоналарда, маъмурий биноларда, турар-жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламасликлари хизмат ходимларининг огоҳлантиришларига бепарволик билан қарашлари, ёш болаларни олов билан ўйнашлари натижасида содир бўлмоқда.

Шу боис, "тилсиз ёв" хавфидан омон бўлиш учун нафақат ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида, балки ҳамиша ҳушёр туриш, хавфсизлик қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш лозим. Чунки, ёнғинларнинг олдини олиш фақатгина шу соҳа вакилларининг иши эмас. Бу барчамизнинг вазифамиз. Шундай экан, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз лозим.

Ғ.ИСАМБОЕВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

* * *

Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқликлар туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғинлар содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўплаб моддий бойликларнинг кулга айланишига, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига риоя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан ҳоли бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларнинг бартараф этилишида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки, ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини ҳеч ким унутмаслиги зарур.

С.АБДУЛЛАЕВ,
12-ҲЁХО 23-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг раҳбарияти иштирокида Тошкент шаҳрининг барча туманларида жойлашган кадастр бўлимларида сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Ушбу сайёр қабулга кириш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорлар, телефон рақами орқали боғланиб, қабул олдидан ёзилиши лозим бўлади.

Сайёр қабулга ёзилиш учун телефон рақами: 239-35-01.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.



"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.02.2015 йилдаги 2-сонли ижро варақасига асосан Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтин тепа кўчаси, 189 А-уйда сақланаётган бошланғич баҳоси 206 248 000 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01/430DCA, "SHAANXI" р-ли бетонқориш ав-наси, бошланғич баҳоси 206 248 000 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01/886VBA, "SHAANXI" р-ли бетонқориш ав-наси ҳамда бошланғич баҳоси 206 248 000 сўм бўлган 2012 йилда и/ч, д/р 01/887VBA, "SHAANXI" р-ли бетонқориш ав-наси такроран чиқарилмоқда. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "*INFIN*bank"даги, МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 6 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 07.04.2015 йилдаги № 12-1506/1151-сонли ижро варақасига асосан Миробод туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1.Трансформатор тока ТФМЗ-220/1200/5, 5 дона. Бошланғич баҳоси 153 496 823 сўм. Жами суммаси 767 484 115 сўм.

2.Дизел генератор 320 кВА 1 дона. Бошланғич баҳоси 63 000 000 сўм.

3.Колесный сварочный аппарат САК 1 дона. Бошланғич баҳоси 6080000 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 5 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.**

Гувоҳнома 5477

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, қор ёғиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шимолдан шарққа томон секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 2-4 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ